


4-2476  
20.05.2019

**“Тасдиқлайман”**  
**Хоразм вилоят ҳокимининг**  
**ўринбосари, вилоят**  
**Мувофиқлаштирувчи гуруҳ**  
**раиси ўринбосари**

 **С.Салаев**

2019 йил “20” май

**Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳ йиғилиши**

**БАЁНИ № 397**

2019 йил “20” май

Вилоят ҳокимлигининг  
кичик мажлислар зали

**Раислик қилувчи:** **С.Салаев** – вилоят ҳокимининг ўринбосари,  
Мувофиқлаштирувчи гуруҳ раиси ўринбосари

**Иштирок этганлар:** Вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари,  
вилоят бошқармалари, идорлари ва ташкилотлари  
раҳбарлари (*рўйхат бўйича*)

**КУН ТАРТИБИ:**

**2019 йилги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида бўлиб ўтадиган семинар ўтказиш тўғрисида.**

---

*(С.Салаев, Д.Аллакулиев, Ш.Раҳманов, Ш.Яхшибаев, Х.Бектемиров, Ш.Мадаминов,  
К.Тангрибердиев, К.Бобожонов, Б.Абдуллаев, З.Каримов, М.Машарипов, С.Салаев)*

Кун тартибидаги масалани атрофлича муҳокама қилган ҳолда 2019 йилги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумини юқори савияда уюшқоқлик билан ташкил этиш ва намунали ўтказиш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифларни инобатга олиб, йиғилиш қарор қилади:

1. Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Д.Аллакулиевнинг 2019 йилги мавсумга тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилаётган ишлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2019 йилги ёзги мавсумни уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида ўтказиладиган ҳудудий семинар дастури **1-иловага**, семинарни ўтказиш тартиби **2-иловага**, семинар иштирокчилари таркиби **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2019 йилги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида бўлиб ўтадиган семинар Қўшқўпир туманидаги “Хумо” болалар оромгоҳида **2019 йил 23 май куни** ўтказилиши бўйича Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг таклифи маъқуллансин.

**4. Вилоят халқ таълими бошқармаси (Х.Бектемиров) Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Б.Абдиримов), Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳудудий бошқармаси (Д.Бекчанова), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши (М.Машарипов) билан биргаликда:**

ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича методик тавсиялар, услубий қўлланмалар кўргазмаларини ташкил қилиш;

семинар ўтказиладиган оромгоҳ кутубхонасини Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, замонвий бадиий адабиётлар, Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларга бағишланган рисоалар, газета ва журналлар, “Маънавият ва маърифат хонаси”ни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, миллий истиқлол руҳи акс этувчи турли мавзулардаги плакатлар, баннерлар ва байроқчалар билан безатишни ташкил қилиш;

ҳар бир оромгоҳдан биттадан тарбиячи иштирокини таъминлаш топширилсин.

**5. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Тангрибердиев) вилоят давлат-санитария эпидемиология нazorати маркази (К.Бобожанов) билан биргаликда:**

семинар ўтказиладиган оромгоҳда тиббиёт хоналарини тайёрлаш, дори-дармонлар билан таъминлаш;

ҳар бир оромгоҳга бириктирилган шифокорларнинг иштирокини таъминлаш чораларини кўрсин.

**6. Вилоят маданият бошқармаси (Ш.Яхшибаев) вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Ш.Мадаминов) “Республика кинопрокат маркази” ДУК вилоят бўлими (Ф.Авазов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши (М.Машарипов) билан биргаликда:**

болалар учун яратилган кинофильмлар дисклари кўргазмасини ва маданий тадбирларнинг ўтказилишини ташкил этиш;

оромгоҳни спорт майдончаларини тайёрлаш ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш;

оромгоҳларга бириктирилган спорт йўриқчилари иштирокини таъминлаш топширилсин.

**7. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Ш.Рахманов) вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Р.Урманов) билан биргаликда:**

оромгоҳ худудининг хавфсизлик ҳолати, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;

табiiй ва техноген характердаги фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ва огоҳлантириш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўргазма ташкил қилиш;

оромгоҳларга беркитилган ички ишлар ходимлари иштирокини таъминлаш чораларини кўрсин.

**8. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши (М.Машарипов)** оромгоҳларда гуруҳларга бериладиган номлар, шиорлар, тадбирларни ўтказиш бўйича сценарийлар намуналарини, болалар билан турли интерфаол ўйинлар, тадбирларни ташкил этиш бўйича тавсиялар кўргазмаларини ташкил этсин ва ҳар бир оромгоҳдан биттадан етакчини иштирокини таъминласин .

**9. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:**

3-иловага асосан семинарга шаҳарлар ва туманлардан келадиган оромгоҳ фаолияти бўйича маъсул ходимларни рўйхатини **жорий йилнинг 22 май кунига қадар** вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси (*тел ва факс 228-84-16*)га тақдим этиш ҳамда уларни ўз вақтида семинарда иштирокларини таъминлаш;

ёз мавсумида фаолият юритиши режалаштирилган барча оромгоҳларни таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини **жорий йилнинг 22 май кунигача** якунлаш чораларини кўрсин.

**10. Кўшкўпир туман ҳокими (Ж.Рахимов)га:**

семинар ўтказиладиган “Хумо” оромгоҳида таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини **2019 йил 21 майгача** якунлаш;

оромгоҳни баннерлар, кўргазмалар, байроқчалар билан безатиш;

семинарда зарур бўладиган жиҳозлар (стол-стуллар, овоз кучайтиргич асбоблари, микрофон ва минбар) билан таъминлаш;

семинар ўтказиш учун “Хумо” болалар оромгоҳини байрамона безаш ишларини ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

**11. Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси (Д.Аллакулиев):**

**Кўшкўпир туман ҳокимлиги (Ж.Рахимов), вилоят ички ишлар бошқармаси (Ш.Рахманов), вилоят халқ таълими бошқармаси (Х.Бектемиров), вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Тангрибердиев), вилоят давлат санитария-эпидемиолгия назорати маркази (К.Бобожанов), вилоят маданият бошқармаси (Ш.Яхшибаев), вилоят**


жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Ш.Мадаминов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши (М.Машарипов) билан биргаликда 2019 йилги болалар дам олиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган семинарни юқори савияда ўтказиш ва семинарда маъруза қилувчи масъулларни пухта тайёргарлик кўрган ҳолда иштирок этиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳудудий бошқармаси (Д.Бекчанова), Хоразм вилояти телерадиокомпанияси (Ў.Матқурбанов), “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари бирлашган таҳририяти (С.Рахимберганова)га мазкур семинарни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш тавсия этилсин.

13. Тадбир ташкилотчилари ҳамда иштирокчилар томонидан семинарни юқори савияда ташкил қилиш ва ўтказиш юзасидан барча зарур чора-тадбирлар белгилансин.

14. Мазкур мажлис баёни қарори ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Баённомани юритди:



Ж.Нурметов

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг 2019 йил “20” майдаги 4-2476-сонли йиғилиш баёнига 1-илова

**2019 йилги мавсумни уюшқоқлик билан билан ташкил этиш мақсадида  
ўтказиладиган ҳудудий семинар  
ДАСТУРИ**

<b>Вақти</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Масъуллар</b>
9 <sup>00</sup> - 9 <sup>30</sup>	Иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш.	Вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят кенгаши (Д.Аллакулиев)
9 <sup>30</sup> - 9 <sup>35</sup>	Кириш сўзи	Вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши (Д.Аллакулиев)
9 <sup>35</sup> - 9 <sup>50</sup>	Вилоят ҳокимининг табрик сўзи	Вилоят ҳокимлиги (С.Салаев)
9 <sup>50</sup> - 10 <sup>10</sup>	“2019 йилги ёз мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ташкил этишда қасаба уюшмаларининг роли тўғрисида”	Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерация Кенгаши вакили (А.Исаков)
10 <sup>10</sup> - 10 <sup>30</sup>	“Оромгоҳларда болаларнинг дам олишларини мазмунли ташкил этишга қаратилган таълим-тарбиявий ишлар. “Оромгоҳлар фаолиятининг такомиллаштириш истиқболлари”	Вилоят халқ таълими бошқармаси (Х.Бектемиров)
10 <sup>30</sup> - 10 <sup>50</sup>	“Ёзги болалар оромгоҳларида санитария қоида ва меъёрлари талаблари тўғрисида”; “Ёз мавсумида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларида малакали тиббий-профилактик ёрдам кўрсатиш”	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Тангрибердиев), вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (К.Бобожанов)
10 <sup>50</sup> - 11 <sup>10</sup>	“Оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг	Вилоят ички ишлар бошқармаси

	олдини олиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш борасида ички ишлар органларининг вазифалари”	(Ш.Рахманов)
11 <sup>10</sup> - 11 <sup>30</sup>	“Ёзги болалар дам олиш оромгоҳларида маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш тўғрисида”	Вилоят маданият бошқармаси (Ш.Яхшибаев)
11 <sup>30</sup> - 11 <sup>40</sup>	“2019 йилги ёз мавсумига ёзги болалар дам олиш оромгоҳларида спорт тадбирлари ва мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида”	Вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Ш.Мадаминов)
11 <sup>40</sup> - 13 <sup>00</sup>	<b>Гуруҳларда ишлаш:</b> Оромгоҳ раҳбарлари, тарбиячилар, етакчилар, тиббиёт ходимлари, ҳисобчилар, спорт йўриқчилари, ички ишлар ходимлари ва ошпазлар билан ишлаш	Ўз йўналишлари бўйича вилоят бошқармалари, Урганч туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежи (ошпазлар йўналиши бўйича)
13 <sup>00</sup>	Иштирокчиларни кузатиш	Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши (Д.Аллакулиев)

*Изоҳ: Худудий семинарда оромгоҳ раҳбарлари, тарбиячилар, ёшлар етакчилари, оромгоҳда фаолият юритадиган тиббиёт, ички ишлар ходимлари, спорт йўриқчилари, ҳисобчилар ва ошпазлар иштирок этади.*

**Семинарлар 2 қисмга бўлинади:**

*1 қисм – умумий йиғилиш сифатида ўтказилиб, ҳар бир Ишчи гуруҳ вакили ўз маърузасини тақдим этади.*

*2 қисмда – ҳар бир ишчи гуруҳ вакили ўзининг контингенти билан алоҳида гуруҳларда машғулот ўтказиб, оромгоҳларда ишларни ташкил этиш бўйича батафсил маълумот беради.*

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг 2019 йил “20” майдаги 4-21/16-сонли йиғилиш баёнига 2-илова

## Семинарни ўтказиш тартиби

### 1-гуруҳ:

Оромгоҳ раҳбарларига машғулот ўтказиш – вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси (Д.Аллакулиев, М.Рахимова)

### 2-гуруҳ:

Оромгоҳ тарбиячилари, тўгарак ва мусиқа раҳбарларига машғулот ўтказиш – вилоят халқ таълими бошқармаси, “Баркамол авлод” болалар Маркази (Х.Бектемиров, Б.Тиллаев, Ж.Юсупов)

### 3-гуруҳ:

Оромгоҳдаги ёшлар етакчиларига машғулот ўтказиш – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши (М.Машарипов, И.Ўринов)

### 4-гуруҳ:

Оромгоҳда фаолият олиб боровчи тиббиёт ходимларига машғулот ўтказиш – вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят давлат-санитария эпидемиология назорати маркази (К.Тангрибердиев, К.Бобожанов)

### 5-гуруҳ:

Оромгоҳ ҳисобчиларига машғулот ўтказиш – вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси (А.Исмаилов, Б.Сабилов)

### 6-гуруҳ:

Оромгоҳ спорт йўриқчиларига машғулот ўтказиш – вилоят жисмоний тарбия ва спорт ишлари бошқармаси (Ш.Мадаминов)

### 7-гуруҳ:

Оромгоҳда фаолият олиб боровчи ички ишлар ходимларига машғулот ўтказиш – вилоят ички ишлар бошқармаси (Ж.Саъдуллаев, С.Рахимов, Б.Отажанов)

### 8-гуруҳ:

Оромгоҳлар ошпазлари билан машғулот ўтказиш – Урганч туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежи (Қ.Худайбергенов)

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг 2019 йил “20” майдаги 42476 – сонли йиғилиш баёнига 3-илова

### Семинар иштирокчилари ТАРКИБИ

Т/р	Ташриф буюрувчилар	сони
1.	Болалар оромгоҳлари бошлиқлари	35 киши
2.	Болалар оромгоҳлари тарбиячилари	35 киши
3.	Болалар оромгоҳлари ёшлар етакчилари	35 киши
4.	Тиббиёт ходимлари	35 киши
5.	Ички ишлар ходимлари	35 киши
6.	Спорт йўриқчилари	35 киши
7.	Муסיқа раҳбари	35 киши
8.	Тўғарак раҳбари	35 киши
9.	Ҳисобчилар	35 киши
10.	Ошпазлар	35 киши
11.	Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш вилоят комиссияси аъзолари	24 киши
12.	Касаба уюшмалари Республика кенгашларининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари	5 киши
13.	Шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари	12 киши
14.	Шаҳарлар ва туманлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари раҳбарлари	12 киши
15.	Шаҳарлар ва туманлар касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгашлари раислари	12 киши
16.	Шаҳарлар ва туманлар халқ таълими бўлимлари мудирлари	12 киши
17.	Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ходимлари	7 киши
18.	Оммавий ахборот воситалари вакиллари	5 киши
<b>Жами:</b>		<b>439 киши</b>